



Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил 1 сентябрь

СЕШАНБА № 58 (13319)

@haqiqatonline

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## МУСТАҚИЛЛИК – ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ, БУЮК МАҚСАДЛАРИМИЗ РЎЁБИ ЙЎЛИДА ҚУДРАТ МАНБАИ

### Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ва муҳтарам ватандошлар!

Аввало, сиз азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллик байрами билан чин қалбимдан табриклайман.

Айни пайтда ушбу тантанали маросимни жойлардаги студияларда, шунингдек, уйларда "ойнаи жаҳон" орқали томоша қилаётган, менинг табрик сўзларимни эшитиб турган мўътабар отахон ва онахонларимизга, мунис опа-сингилларимизга, азиз ёшларимизга, барча-барча юрдошларимизга ўзимнинг юксак эҳтиромимни билдираман.

Ҳаммангизга маълум, пандемия туфайли бу йил Мустақиллик байрамини ҳар доимгидек катта тантана ва сайиллар билан нишонлай олмайдимиз.

Халқимизнинг саломатлигини ўйлаб, байрам тадбирларини ихчам шаклда, онлайн режимда ўтказмоқдамиз. Лекин, ҳар йилгидек, машҳур санъаткорларимиз ушбу кутлуг санага атаб

катта-катта концертлар, бадиий дастурлар тайёрлашган ва улар телевидение орқали халқимизга тақдим этилади.

Ҳеч шубҳасиз, барчамиз учун энг улуг ва муқаддас бўлган бу байрам шуқуҳи оилаларимиз даврасида, қалбларимизда, юракларимизда давом этади.

Хурматли дўстлар!

Башариёт тарихи шундан далолат берадики, ҳар бир халқ фақат эркин ва озод бўлган тақдирдагина, ўз ҳаёти ва келажagini мустақил барпо этиш ҳуқуқига эга бўлади. "Ҳақ берилмас, ҳақ олинур!" деб миллат озодлиги йўлида жонини фидо қилган улуг аждодларимизнинг буюк мақсади ҳам шу эди.

Халқимизнинг беқиёс жасорати ва матонати билан Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислому Абдуғаниевич Каримов бошчилигида қўлга киритилган давлат мустақиллиги ана шу асрий орзумизни амалда таъминлаган оламшумул воқеадир.

Биз қандай таҳликали ва суронли даврларни бошимиздан кечирмайлик,

қандай ютуқ ва натижаларга эришган бўлмайлик, мустақиллик ғояси, истиқлол руҳи бизга доимо тоғдек таянч бўлмоқда.

Бугун чексиз ифтихор билан айта оламизки, донишманд халқимизнинг узқни кўра олиши, бирдамлиги ва фидойи меҳнати билан барча синовлардан муносиб ўтиб келмоқдамиз.

Шу нуқтаи назардан, бизнинг инсоний кадр-қимматимизни, гурур ва шаънимизни, дину диёнатимизни, миллий давлатчилигимизни тиклаб берган Мустақиллик куни Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамisha энг ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда "Янги Ўзбекистон" ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққийнинг мутлақо янги босқичига қадам қўганимиз, эришяётган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир.

Халқимизнинг улғувор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ре-

нессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.

Истиқлол йилларида босиб ўтган шонли йўлимизга назар ташлаб, эртанги кунимизга, ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишончимиз янада ортмоқда. Мамлакатимизни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ барча соҳа ва тармоқларда амалга ошираётган ислохотларимиз бу борада ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

"Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари" деган даъваткор ғоя ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Биз айни шу асосда халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, инновацион тараққий борадида муҳим қадамларни қўймоқдамиз.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Кўксарой қароргоҳида 31 август куни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари масъуллари, илм-фан, маданият соҳаси фидойилари, нурунийлар ва ёшлар иштирок этди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги вакиллари махсус студияларда онлайн кузатиб борди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев байрам нутқини сўзлади.



## Ватанинг юксак мукофотлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 августдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, мамлакат Куролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун бир гуруҳ юрдошларимиз фахрий унвон, ордён ва медаллар билан мукофотландилар.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

### "Мардлик" ордени билан

**Нурметов Отабек Хусанназирович** – Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари

**Чориев Отабек Бобомуратович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бўйича бошқармаси бошлиғи

### "Содиқ хизматлари учун" медали билан

**Бегманов Лазиз Гуламович** – Тошкент вилояти Олмалик шаҳар ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Ибрагимов Музафар Юсупжанович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бўйича бошқармаси "Яллама" чегара божхона пости бошлиғи

**Норбоев Сайёт Раҳмонбердиевич** – Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси биринчи минтақавий ҳудуд йўл-патруль хизмати отряди инспектори

**Тулаганов Умиджан Тожаиевич** – Тошкент вилояти Фавкулдда вазиятлар бошқармаси Чирчиқ шаҳар ёнги кутқарув отряди командири

### "Шухрат" медали билан

**Абдурахманов Жамолиддин Абдусаламович** – Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси иккинчи минтақавий ҳудуд йўл-патруль хизмати отряди инспектори

**Расулева Мархабо Толқуновна** – Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

**Утаев Санжар Ачилевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти взвод командири

## Янги шифохона: юксалаётган тиббиётимиз тўққиз йиллиги



Мустақиллик байрами арафасида Чиноз тумани марказий шифохонасининг янги бунёд этилган биноси фойдаланишга топширилди.

Шифохонанинг очилиш маросимида соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов ва вилоят ҳокими Рустам Холматов иштирок этди.

Мазкур муассаса энг замонавий тиббий технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, беморларга аниқ ташхис қўйиш, самарали даволаш учун барча имкониятлар яратилган. Унинг бунёд этилишига жами 23,5 миллиард сўм сарфланди.

Шифохона 140 ўринга мўлжалланган бўлиб, болалар бўлими, шошилинч тез ёрдам, терапия ва туғуруқхона бўлимлари ташкил



этилган. Эндиликда бу ерда нафақат чинозликлар, балки қўшни вилоят ва туманлар аҳолиси ҳам сифатли ва самарали тиббий ёрдам олишлари мумкин.

Мустақиллик байрами – бу кутлуг кун шуқуҳи неча йил ўтса ҳамки қадрини йўқотмайди. Тириклик қадр мангу давом этади. Халқимизнинг, ота-боболаримизнинг кўп йиллик орзуси ушалганига – Ватанимиз озодлиқни қўлга киритганига ҳам 29 йил бўлди. Мустақил ўтган йиллар сарҳисоби беҳисоб ва мазмунли. Биргина кейинги, хусусан, синовли 2020 йилда амалга оширилаётган чора-тадбирлар кўлами ҳам ғоят кендир.

Иқтисодиёт тармоқлари – хусусий тадбиркорлик, sanoat, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, савдо-сотик каби йўналишларда янги механизмлар жорий этилди. Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида оилавий бизнес, хунармандчилик, томорқачилик, хуллас, бир оила яхши яшаши, ўзини тиклаб олиши зарур бўлган барча йўналишларда катта имкониятлар берилди. Солиқ юки энгиллаштирилди. Бу йил халқимиз учун синовли келди. Табиий ва тегнаген офатлар, пандемия шароитида халқимиз жипселигини кўрсатди. Бу бало-қазоларни оқилана, аниқ ва пухта ўйланган чора-тадбирлар туфайли энгиб ўтмоқдамиз.

– Биз қандай таҳликали ва суронли даврларни бошимиздан кечирмайлик, қандай ютуқ ва натижаларга эришган бўлмайлик, мустақиллик ғояси, истиқлол руҳи бизга доимо тоғдек таянч бўлмоқда. Бугун чексиз ифтихор билан айта оламизки, донишманд халқимизнинг узқни кўра олиши, бирдамлиги ва фидойи меҳнати билан барча синовлардан муносиб ўтиб келмоқдамиз. Шу нуқтаи назардан, бизнинг инсоний кадр-қимматимизни, гурур ва шаънимизни, дину диёнатимизни, миллий давлатчилигимизни тиклаб берган Мустақиллик куни Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамisha энг ёрқин саҳифа бўлиб қолади, – деди Шавкат Мирзиёев.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Суратда: вилоят жамоатчилик вакиллари Президентимиз нутқини онлайн кузатиш жараёнида. Нозим АБДУЛЛА олган сурат

## Эътибор | ФАҲРИЙЛАР ҲАР ИШДА ИБРАТ



Республикамиз Мустақиллигининг 29 йиллик байрами арафасида вилоятимизда турли соҳаларда кўп йиллар самарали меҳнат қилиб хурмат ва эътиборга сазовор бўлган фахрийларга I, II, III даражали "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишонлари топширилди.

Нурафшон шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб ўтган тадбирнинг тантанали қисмида 29 нафар фахрий кўкрак нишони ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

– Бизнинг юртимизда ҳалол меҳнат қилган борки, албатта, қадр топишига яна бир бор амин бўлдим, – дейди Урта Чирчиқ туманида яшовчи Тошпўлат Эшонбоев. – Эсимни танибманки, далада меҳнат қилдим. Биздек кексаларга хурмат кўрсатиб, эъозлаганларга катта раҳмат. Айниқса, байрам арафасидаги бундай эътибордан жуда тўлқинландим. Тадбирда вилоят Маҳалла ва оила қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Озода Парпибоева сўзга чиқиб, тақдирланганларни кутлади.



# Янгийўл йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси жамоаси

## юртимиз аҳлини

## Истиқлолимизнинг

## 29 йиллиги


### билан самимий табриклайди!

### Азизлар, барчангизга мустақам соғлиқ,

### омад ва зафарлар тилаймиз!

### Юртимиз тинч, осмонимиз

### мусаффо бўлсин!



### ОКМК:

## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР МАРКАЗИ

Ҳозирги пандемия даври қийинчиликларига қарамай, Олмалик кон-металлургия комбинати томонидан барча йирик инвестиция лойиҳалари изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, "Олмалик ОКМК" АЖ асосий ишлаб чиқариш кувватларини реконструкция қилиш ва барқарорлаштириш дастури"га асосан, 2019-2022 йилларда Мис бойитиш фабрикаси, Мис эритиш ва Рух заводлари кувватларини модернизация қилиш ва янгилаш ишларига 357,5 миллион АҚШ доллари сарфланиши кўзда тутилган. Ҳозирда ушбу объектларда таъмирлаш ва тиклаш, қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаёпти.



янги 7-моносекция қурилади ҳамда 5-моносекцияга қўшимча тармоқ бириктирилади.

Мазкур реконструкция ишларининг бош лойиҳачиси Россия Федерациясининг "НИИПИ "ТОМС" лойиҳалаш институти бўлиб, реконструкция ишлари 2021 йилда якунланиши режалаштирилган.

Пресс-тур иштирокчилари Мис эритиш заводидаги реконструкция ва модернизация ишлари билан ҳам танишишди. "Олмаликметаллургурилиш" трести томонидан 40 минг тоннадан зиёд сульфат кислотасини сақлашга мўлжалланган 5-Сульфат кислота цехида

кислота омбори қурилмоқда. Қад ростлаш кўзда тутилган 8 та сизимнинг 6 таси якунланган.

МЭЗнинг Ҳаво тақсимлаш цехида ҳам қайта жиҳозлаш ишлари давом эттирилиб, ҳар бирининг куввати 15 минг метр кубни ташкил қилувчи "Hanwha" SM-6000 компрессорлари ўрнатилди. Айни кунларда мазкур цех суткасига 40 минг тоннагача кислород ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан ташқари, Республикамизда коронавирус инфекциясини даволашга ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларига ҳам етказиб берилаяпти.

2020 йил январь-июль ҳолатига кўра МЭЗ меҳнат жамоаси томонидан мис катоди ишлаб чиқариш режаси 103,3 фоизга, олтин 101,6 фоизга, қумуш 135,2 фоизга бажарилган.

Пресс-тур доирасида журналистлар қурилиш ва реконструкция ишлари билан яқиндан танишиб, ўзларини қизиқтирган саволларга артофлича жавоб олишди.

Ўз мухбиримиз  
Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

## ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ

акциядорлик жамияти жамоаси  
халқимизни энг улуғ, энг азиз байрам -

## Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг

### 29 йиллиги

шодиёнаси билан самимий табриклайди!



*Ушбу тарваққуёт сари одимлаётган мамлакатимизни ривожлантириши йўлида меҳнат қилаётган халқимизга кўр-қувват, сизат-саломатлик тилайди!*

*Байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!*



Пресс-тур

Бу ҳақда "Мис бойитиш фабрикаси ва Мис эритиш заводида олиб борилаётган реконструкция ва модернизация жараёни" мавзусидаги пресс-турда маълум қилинди.

Таъкидлаш кераки, бугунги кунда МБФда флотокамералардаги жисмонан ва маънан эскирган аэрацион узеллар ўрнига замонавий талабларга жавоб берадиганларини ўрнатиш эвазига руда таркибидан мис ажратиш олиш даражаси 75 фоиздан 84 фоизга етказилди. Бундан ташқари, АҚШдан келтирилган замонавий юкори частотали ғалқирлаш тизимларининг ўрнатилиши ҳисобига ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ижобий ўсиши таъминланмоқда.

Шунингдек, МБФда Янчиш ва флотациялаш цехига янги тегирмонлар қурилиши кўзда тутилган. Бойитиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган 5 та қуюлтиргичлар (сгуститель) алмаштирилади ҳамда ишлаётган 1 таси эса модернизация қилинади. Янчиш бўлимида 24 дона насос-гидроциклонлар автоматлаштирилган янги-ларига ўзгартирилмоқда. Шу билан бирга, 2-майдалаш ва бойитиш комплексининг янчиш бўлимидаги ускуналар ҳам замонавийларига алмаштириляпти.

Маълумки, бойитиш жараёнида, флотация вақтини узайтириш мақсадга мувофиқдир. Шу боис, фабрикада бугун 1- ва 2-моносекциядаги флотомашиналар ҳам реконструкция қилиниб, қўшимча

Реклама ҳуқуқи асосида

# БЎСТОНЛИҚ тумани

## йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси жамоаси

мамлакатимиз аҳлини

Ўзбекистон Республикаси

*Мустақиллигининг*

*29 йиллиги*

**билан қутлайди!**



**“Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!”**

шиори остида нишонланаётган бу йилги байрам халқимизни  
синовли кунларда янада жипслаштириб, қийинчиликларни енгиб  
ўтишда руҳий куч-қудрат бағишламоқда.

**Тинчлигимиз барқарор, ҳаётимиз фаровон бўлсин, азизлар!**

# ОҚҚЎРҒОН тумани

## йўллардан фойдаланиш

## унитар корхонаси жамоаси

**халқимизни энг улуг,  
энг азиз байрам –**

*Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги*

*билан салимий муборакбод этади!*



*Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган эзу ишларини эда омадлар тилайди.*

*Юртимизни осойишталик, қалбларимизни шукроналик туйғуси асло тарк этмасин!*

*Мустақиллигимиз абадий бўлсин!*



**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**

Муассис:  
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**  
**ҲОКИМЛИГИ**

Бош муҳаррир  
**Ғайрат**  
**ШЕРАЛИЕВ**

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар бошқармасида 2011 йил  
12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.  
Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-943. 4 278 нусхада  
чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Қабулхона: (71) 233-64-95  
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10  
Масъул котиб: (71) 233-90-82  
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08  
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида  
терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди.  
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахо-  
насида босилди. Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Электрон почта: [toshkenthaqiqati@mail.ru](mailto:toshkenthaqiqati@mail.ru) // [th-tp@inbox.ru](mailto:th-tp@inbox.ru)

Манзилимиз:  
111500, Нурафшон  
шаҳри, Тошкент йўли  
кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги  
офисимиз:  
100000, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Ҳафтанинг  
чоршанба ва шанба  
кунлари чиқади.

Навбатчи муҳаррир  
**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**

Назоратчи мусахҳих  
**Аллома АЗИЗОВА**

Навбатчи  
Шаҳриёр  
**ИБРАГИМОВ**